

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 236 (1297), 2024 йил 21 ноябрь, пайшанба



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНГИ ПАРЛАМЕНТИ БИЛАН БИРГА ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижаси бўйича янги парламент шаклланди. 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлиси ўтказилди.



Йиғилишни Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов олиб борди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилди. Янгиланган Конституцияимизнинг 94-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига киради. 118-моддага кўра, Бош вазир номзоди

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади. Шу муносабат билан мажлисда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. — Мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мурраккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Халқимиз

бугун янги ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев. Давлатимиз раҳбари, аввало, ўтган беш йилдаги дастурлар ижросига тўхталиб ўтди. Бу даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 қарра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта

захиралари эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 қарра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллионга юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

Мақтабгача таълимда қамров 74 фойздан, олий таълимда эса 39 фойздан ошди. Барча ҳудудларда "Инсон марказлари" очилиб, ижтимоий ҳодимлар томонидан бевосита маҳалларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган эди. Барча имкониятлар

ишга солингани туфайли бу кўрсаткич жорий йилнинг ўзига 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Шундай суръат жадал давом эттирилса, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш салоҳияти борлиги таъкидланди. Бу аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга асос бўлади.

► Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар! Қадрли мажлис иштирокчилари! Бугун янгиланган Конституцияимизга мувофиқ, илк бор қуйи палатада Бош вазир лавозимига номзод ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур. Бу масаланинг нақадар муҳимлиги, ўйлайманки, ҳаммамизга яхши аён. Нега деганда, мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, Ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мурраккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Шу билан бирга, бугун мутлақо янги ваколат ва вазифаларга эга бўлган Ҳукумат шаклланди. Бу фикрни Конституция даражасида биринчи марта камбағалликни қисқартириш, озик-овқат хавфсизлиги, инвестиция, экология каби муҳим йўналишларда Вазирлар Маҳкамасининг мажбуриятлари белгилаб қўйилгани ҳам тасдиқлайди.

Халқимиз бугун ана шундай ҳал қилувчи масалалар бўйича янги Ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда. Асосий масалага ўтишдан олдин ўтган 5 йилда ҳар томонлама пухта ўйлаб қабул қилинган дастурлар ижроси қандай таъминлангани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Аввало, иқтисодиётимиз 2 қарра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 2018 йилдаги 1 минг 600 доллардан 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фойздан 11 фойзга тушди. Бу йил яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фойзга тушиши кутилмоқда. Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захираларимиз эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 қарра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллион юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотида

инвестициялар улуши 30 фойз даражасида таъминлангани иқтисодиётимизни ривожга учун келгуси йилларда ҳам мустақам замин яратмоқда. Илгари тўлиқ давлат тасарруфига бўлган соҳалар, яъни, энергетика, кимё, авиация, геология, металлургия, машинасозлик, таълим ва тиббиётда хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик муносабатларига кенг йўл очганимиз уларнинг ривожига кучли омил бўлди. Айниқса, энергетика соҳасида том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми 1,5 қарра ўсиб, 80 миллиард киловатт-соатта етгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди. Яна бир муҳим ўзгаришга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳи ташкил этилиб, қамров мақтабгача таълимда — 74 фойздан, олий таълимда эса — 39 фойздан ошди.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Н. АРИПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОШ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 20 ноябрдаги қарори билан Бош вазир лавозимига А.Н. Арипов маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ, **Абдулла Нигматович Арипов** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 20 ноябрь

САМАРҚАНДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ЯНАДА ЯХШИЛанаДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Самарқанд мамлакатимиз марказида жойлашган, савдо, sanoat, туризм, транспорт ва аграр тармоқлар яхши ривожланган ҳудуд. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил августдаги таширфи

чоғида белгиланган вазифалар бирин-кетин бажарилмоқда. Энди янги-янги марралар олиш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб,


4,1 миллиард долларлик 120 та лойиҳани амалга ошириш имконияти аниқланган.

► Давоми 3-бетда

ДУНЁ ЭЗГУЛИК БОҒИГА АЙЛАНДИ!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР

5





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ижтимоий хизматлар тизимида ҳам катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, ижтимоий ҳодимлар томонидан бевосита маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлига қўйилди.

Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида азму шижоатли спортчиларимиз чинакам рекорд натижаларни қайд этиб, жами 39 та медал, жумладан, 18 та олтин медални қўлга киритдилар. Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган бундай ютуқлар барчамизга янги куч-ғайрат бахш этиши табиийдир.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари! Жаҳон миқёсида ҳукм сўраётган бугунги ўта кескин ва оғир шароитда юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб, иқтисодиётимизда барқарор ўсишни таъминлаб, мана шундай марраларга эришиш осон бўлмаганини барчамиз яхши тушунамиз.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, аҳолимиз 37 миллиондан ошди. Келгуси 5 йилда эса, Худо хоҳса, 40 миллиондан ортиши kutilмоқда. Бундай демографик ўсиш, албатта, катта имконият, лекин, шу билан бирга, бу ҳолат олдимизга янги-янги, ўткир вазифаларни қўйиши ҳам шубҳасиз. Айниқса, камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик суви таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бормоқда.

Ана шундай долзарб муаммоларга самарали ечимлар топиб, янгида фаолият олиб бориш Ҳукумат учун жиддий синов бўлиши табиий, албатта. Бугун Бош вазир лавозимига тавсия этиладиган номзод ана шу масалаларнинг барчасини ҳисобга олиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўз дастурини тақдим этади.

Мухтарам дўстлар! Биз “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида келгуси йиллар учун катта марраларни белгиллаб олганимиздан хабарингиз бор. Хусусан, мамлакатимиз япни ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб кўйган эдик.

Очиқ айтиш керак, дастлаб бунга айрим кишилар шубҳа ёки иккиланши билан қарагани ҳам бор гап. Лекин ўз вақтида зарур чора-тадбирларни амалга оширганнимиз, барча имкониятларни ишга солганимиз туфайли бу йилнинг ўзида япни ички маҳсулотимиз ҳажми 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Янги Ҳукумат, барча раҳбарлар бир-галликда қаттиқ ишлаб, ислохотларимиз шиддатини пасайтирмаддан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни жадал давом эттирсак, 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга еткази олишимизга мен албатта ишонаман.

Тўғри, бу кичкина рақам эмас. Лекин эришса бўладиган марра. Бу натижани таъминлаш орқали аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга эришимиз. Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустақкам ижтимоий сугурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий сугурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилга 150 миң квартиралар янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилди.

Яна бир бор айтмам, бундай натижаларга эришиш учун куч ва имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етади. Бу борада энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, макрониктисодий мувоzanатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлашнинг зарур.

Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз дорасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Ушбу даврда Ҳукумат камида 100 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга ҳамда йиллик экспорт ҳажмини 2 баробар ошириб, 45 миллиард долларга олиб чиқиш, унда тайёр маҳсулотлар улушини 50 фоизга етказишга эришиши лозим.

Хорижий туристлар оқиними 5 йилда 15 миллион нафарга, туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга олиб чиқиш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, норасмий иқтисодиётни “соядан чиқариш” да рақамли технологияларни таянч вобитига айлантириш

лозим. Хусусан, келгуси йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада рағбатлантириш, онлайн тўловлар улушини 60 фоизга етказиш Ҳукумат ва Марказий банкнинг муҳим вазифаси бўлади.

Биз Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида асосий чора-тадбирларни амалга оширидик ва яқин йилларда ушбу ташкилотга албатта аъзо бўлиб киришимиз зарур.

Иккинчидан, жорий йилда Сайхун-обод, Уйчи, Зарбдор, Ғиждувон туманларида амалга оширилган ишларнинг ижобий натижалари асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” комплекс дастурини қабул қилдик.

Энди кўп қиррали ёндашувлар асосида камбағал оилаларнинг аъзоларига сифатли таълим бериш, уларни максабга ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлигини яхшилаш, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича кўмак бериш пакетларни индивидуал бўлади.

Ишни маҳаллабай ташкил қилиб, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади.

Шу мақсадда камбағал оилаларга мансуб болар мактабларда чет тили, касбухона ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 миллиард сўм ажратилди. Ижтимоий аҳоли оғир мингта маҳаллада инфратузилмани яхшилаш дастури амалга оширилди. Бунга 2 триллион сўм йўналтирилди. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланади.

Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража — 5-6 фоиздан оширмастик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиш лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли дарамадларини ўстиришда юқори қўйилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириши ва тўлиқ қувватлар билан ишлашини таъминлаши зарур. Жумладан, “Ёшлик 1” қонида биринчи bosқичга, “Мурунгов” қонида эса кейинги bosқичларга старт берилди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида йилга 910 миң тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган комплекс, 600 миң тонна маҳсулот берадиган металлургия корхонаси, Зарафшонда каустик сода заводи, Нукусда иситиш тизимлари ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Юртимизда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш имкониятларини тўлиқ ишга солиш учун барча шароитлар мавжуд. Навоийда микро ГЭСларни барпо этиш бўйича барча bosқичлар ўз ресурсларини асосида ташкил қилингани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунинг учун саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш бўйича катта дастур қабул қиламиз. Янги таркибдаги Ҳукумат янги беш йилда чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари улушини 32 фоизга етказишни асосий вазифа сифатида белгилла олиши зарур.

Яна бир муҳим масала — иқтисодиётнинг энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самардорлигини 2 карра оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Келгуси йили маълуматимизда 90 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, аҳоли ва иқтисодиёт талабларини тўлиқ таъминлаш лозим. Бунда қайта тикланувчи энергия қувватлари 25 гигаваттга, уларнинг жами истеъмолдаги улуши 40 фоизга етказилади.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Бу борада 2 мингта корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йирик мажмуа объектиларини IPO га чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси 2025 йилда “тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида давлат компанияларини трансформация қилишни тезлаштириб, уларнинг харажатларини 15-20 фоизга қисқартириши зарур. Бу борада 1 миллиард долларлик 18 та давлат компаниясининг улуши берилган Миллий инвестиция жамғармаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш лозим.

Бешинчидан, аҳолимиз сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади.

Бу борада қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, аввало, мева-сабзотчиликни интенсив ривожлантириш, янги уруғ навларини яратиб, импортни 50 фоизга қисқартириш бўйича дастурларимиз бор.

Ҳукумат бу дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўрғача даромадни 5 миң долларга етказиш, соҳада экспорт ҳажми 10 миллиард доллардан иборат бўлиши, сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонларини 2 карра ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этиши зарур.

Янги йилда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун 5 триллион сўм, каналларни бетонлаш учун 800 миллиард сўм йўналтирилди.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш бўйича катта дастурларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш — ҳаммизга Ҳукуматнинг кун тартибида туриш керак бўлган асосий вазифалардир.

Биринчидан, ўрғача умр кўриш даражасини 78 ёшга етказиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг аҳоли учун қўлайлиги ва сифатини ошириш зарур. Хусусан, 2025 йилда бирламчи бўғинда 3 миллион 700 миң нафар аёлни скрининг текширувидан ўтказиш, бу жараёни рақамлаштириш орқали саратон касаллигини эрта аниқлаш кўрсаткичини ҳозирги 60 фоиздан 85 фоизга етказиш мумкин.

Ҳукумат маҳаллалардаги 18 мингта тиббиёт бригадаларини ўқитиш, 884 миң нафар беморни уй шароитида реабилитация билан қамраб олиш бўйича янги тизимни жорий этади. Шу билан бирга, туғуруқхоналарнинг моддий-техник базасини мустақкамлашга 100 миллион доллар йўналтирилди.

Давлат тиббий сугуртаси ва аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш тизими келгуси уч йилда барча шаҳар, туман ва қишлоқларни қамраб олиши зарур. Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш каби масалалар бўйича Ҳукумат алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсатимизни тизим давом эттирилади.

Келгуси йилларда боғчаларда қамровни 80 фоизга, олийгоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш Ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолади. Халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағлари ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилади. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади ва янгитдан қурилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилди.

Тадбиркорларга мактаб қуриш учун 20 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилди. Бунда кредит ставкасининг 13,5 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоллаб берилди.

Мухтарам депутатлар! Юқорида айтилган долзарб вазифаларни бажаришда янги Ҳукуматнинг Қонунчилик палатаси билан янада самарали ҳамкорлик олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамаси олдида турган устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Авваламбор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим.

Шу ўринда барча раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий мезони бўлган бош талабни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Яъни **халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилотлари халққа, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши зарур**.

Жорий йилда қонунлар ижросини доимий баҳолаб бориш бўйича янги тизимни йўлга қўйганимиздан қўзланган мақсад ҳам шундан иборат. Қонун қабул қилинганда, у албатта ишлаши керак ва одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлиши лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргалликда ўрганиб борилиши керак.

Яна бир муҳим масала. Ижро этувчи ҳокимият органлари қарорлар қабул қилишда қонунийликни, уларнинг асосланган бўлишини таъминлаши лозим.

Кейинги вақтда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик билан маслаҳат қилишда қонунларимизда белгиланган талабларга ҳаммиз ҳам риоя этилмаяпти. Адлия вазирлиги бир ой мuddатда бу масала бўйича тақлифларни Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси билан бирга муҳокама қилади ва Ҳукуматга киритади.

Даврнинг ўткир талабларига жавоб берадиган, сифатли, амалиётда самарали ишлайдиган қонунларни қабул қилиш Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаси, керак бўлса, унинг обрўсидир. Бу борада таниқли хитой файласуфи Шан Яннинг **“Яхши қонун — халққа хурмат ифодасидир”**, деган сўзларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Эътиборингизни **яна бир масалага** қаратмоқчиман. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қўйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Лекин ҳозирги вақтда турли соҳаларда назоратини таъминловчи давлат инспекцияларининг Қонунчилик палатаси қўмиталари билан ҳамкорлик тизими йўлга қўйилмаган.

Шу боис, уларнинг ҳисоботларини қўмиталарда муҳокама қилиб бориш бўйича янги, таъсирчан тизимни жорий этсак, ўйлаيمانки, парламент назорати самарадорлиги янада ошади.

Қолаверса, бу иш самарали бўлиши учун вазирлик ва идораларда раҳбар ўринбосарларни қўйи палата қўмиталари билан доимий ҳамкорлик учун масъул этиб бириктирсак, нима дейсизлар?

Албатта, бу биринчи раҳбарлар зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди, палаталар билан ҳамкорлик учун сўров, авваломбор, улардан бўлади.

Умуман олганда, парламент ва Ҳукумат ўртасидаги муносабат қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланиши зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, **парламент назорати — бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови”** эканини унутмаслик лозим. Афсуски, парламент сўрови, депутат сўровига юзак ишлаб, унга энгил-елли муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозим. Ушбу масалага беписанд қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Парламент ва депутат сўровларига жавоб аниқ ва мазмунли бўлиши, сўров кимга йўлланган бўлса, шахсан шу раҳбар томонидан жавоб берилиши шарт. Сўровларни юбориш ва қабул қилиш онлайн тизимга ўтаётгани бу борадаги муаммоларга ечим бўлишига ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожлантириш учун **самарали ташқи сиёсат олиб бориш, дўст ва ҳамкорларимиз доирасини кенгайтириш, яқин қўшнилариимиз билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш** ўта муҳим вазифадир.

Шу мақсадда, аввало, Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Марказий Осие давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустақкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташқи сиёсатимизда устувор йўналиш бўлиб қолади.

Келгуси йили юртимизда бўлиб ўтадиган “Марказий Осие бешлиги” учрашуви, ҳеч шубҳасиз, шу йўлдаги яна бир улкан амалий қадам бўлади. Ушбу анжуманда эркин савдо зонасини, бизнес ва инвестициявий фаолилик, илмий, технологик ва ишлаб чиқариш кооперацияси марказини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам шундай деб айтишга асос беради.

Ҳозирги вақтда фуқароларимиз Қирғизистонга ID карта билан бемалол бориб-келмоқдалар. Энди шундай тартибни Қозғистон ва Тожикистон билан ҳам жорий этамиз.

Марказий Осие мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги йиғилишда иштирок этаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий кўтайлигим.

Ислохотларимизни чин дилдан қўллаб-қувватлаб келаётганингиз, ҳудудларимизга чиқиб, янгилашиш ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиб, ўз давлатларингиздаги тажрибаларни биз билан ўртоқлашаётганингиз учун сизларга ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорлик билдираман.

Мухтарам ватандошлар! Бугун бутун дунё ниҳоятда нотинч ва таҳликали вазиятда яшаётганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Мана шундай мураккаб даврда **давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини энг бебаҳо бойлик сифатида асраш ва ҳимоя қилиш** энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур: мамлакатимиз хавфсизлиги, юртимиз мудофааси нафақат Қуролли Кучлар ва ҳуққни муҳофаза қилиш идоралари, балки Ўзбекистонни ўзи учун она Ватан деб билладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ягона Ватан, кўп миллатли ягона аҳил оила туйғуси ҳар биримизнинг қалбимиз, юрагимиздан чуқур жой олиши лозим.

Дунёда турли хатар ва таҳдидлар авж олиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга хурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини тақомиллаштириш зарур. Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани амалдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонқур зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади.

Шу муносабат билан яқинда Навоий вилоятида айтган фикримизни тасдиқлашни зарур деб биламан.

Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади.

Айни вақтда биз жамятимиздаги очиклик ва эркинлик муҳитини, миллатлар ва динлар ўртасидаги аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустақкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, виждон эркинлигини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттирамиз.

Хурматли депутат ва сенаторлар, янги Ҳукумат, ҳоким ва вазирларимиз мана шу вазифаларнинг моҳитини тўғри англаб, муҳтарам фахрийларимиз, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва касабга уюшмалари ташкилотлари, илмий ва ижодий зиёлиларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, фаол иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар! Қўриб турганингиздек, олдимизда гоят улкан марралар турибди. Янги Ўзбекистонимиз янги парламенти билан бирга ўз тараққийнинг ҳал қилувчи bosқичига қадам қўймоқда.

Албатта, бу янги даврда энди эскича ишлаб бўлмайди. Шу боис, Ҳукумат ўз фаолиятини мутлақо янгица асосда ташкил этиши керак. Бунинг учун унга кучли раҳбар, яъни, Бош вазир зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Мен бу масала ҳақида атрофлича ўйлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига Абдулла Нигматович Арипов номзодини кўрсатишга қарор қилдим.

Бу раҳбарни барчангиз яхши танийсиз. Абдулла Арипов катта ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган, ижро ҳокимияти тизимини бой билан ва тажриба орттирган, масъулиятни доимо чуқур ҳис этадиган раҳбардир. У Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур тушунадиган, балки уларни амалга оширишда чинакам жонбозлик кўрсатиб келаётган раҳбарларимиздан бири, десак, тўғри бўлади.

У киши билан анча йиллар давомида бирга ишлаб, шунга амин бўлдимки, давлат миқёсидаги йирик дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда доимо талабчанлик ва жонқурлик билан ёндашди. Абдулла Арипов масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўчмаслиги, аҳоли билан мулоқот учун ҳар доим очиклиги, меҳнатқашлиги ва камтаринлиги билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Ушбу номзод бугун Ҳукумат олдида қўйилган, қўламини ва миқёси бениҳоя катта бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил қилади. Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарларини бирлаштириб, ягона мақсад сари сафарбар эта олади, деб ишонаман.

Ҳозирги мураккаб даврда бу жуда муҳим. Шу боис, бугун ана шу номзодни сизларнинг муҳокамангизга тақдим этимоқдан.

Сиз, хурматли депутатлар ва фракциялар раҳбарларидан ушбу номзод ҳамда бўлгуси Ҳукуматнинг келгуси беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНГИ ПАРЛАМЕНТИ БИЛАН БИРГА ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустақам ижтимоий сугурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий сугурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилга 150 минг квартиралар янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги энг муҳим йўналишларга эътибор қаратади.

Биринчидан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлаш зарур. Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз доирасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Иккинчидан, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади. Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража — 5-6 фоиздан оширмастик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган sanoat тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йиррик лойиҳани ишга тушириши зарур. Иқтисодиётини энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самардорлигини 2 карра ошириш ҳам муҳим масала.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётнинг хусусий сектордаги улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Бу борада 2 мингта корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йиррик мажмуа объектларини IPOга чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш керак.

Бешинчидан, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат бу соҳадаги дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олиннадиган ўртача даромадини 5 минг долларга етказиши зарур.

Ташқи сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш, ижтимоий хизматларни яхшилаш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз бу мақсадларга эришиш учун ҳукумат билан парламент ҳамкорлиги муҳим эканини таъкидлади.

Авалламбор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши керак.

Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қўйи палата

қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Шу боис, турли соҳаларда назоратчи таъминловчи давлат инспекцияларининг ҳисоботларини Қонунчилик палатаси қўмиталарида муҳокама қилиб бориш бўйича янги тизимни жорий этиш ташаббус илгари сурилди.

Парламент назорати — бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови” экани таъкидланди. Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари халқро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, яқин қўшиллар билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхтади. Шу мақсадда Ташқи сиёсат концепциясини янги тахрирда қабул қилиш зарурлигини айтди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътибор марказида бўлиши қайд этилди.

Ҳозирги таҳликали даврда давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Шу боис, Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътибор янада кучайтирилди. Ёшларни замонавий билим ва касб эгалари этиб тарбиялашга катта имкониятлар сафарбар этилади.

— Бугун фақат мана шундай илгор ёшларга, мана шундай конюкяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эъга бўлган давлатига ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги вазирлиги Абдулла Арипов номзодини тақдим этди.

А.Арипов Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатта ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини баён қилди.

Мазкур номзод ва дастур муҳокамаси юзасидан сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ҳамда депутатлар ўз фикрларини билдирди.

Яширин овоз бериш натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги вазирлиги Абдулла Арипов номзоди маъқулланди. Бу бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

Мажлис якунида келгуси йилги устувор йўналиш ҳам муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва ашил иқтисодиёт” йили деб эълон қилишни таклиф этди. Бу борадаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

— Бугун халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу — Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланишига, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этидиган давр бўлади. Бу давр парламент ва ҳукумат фаолиятида янги ҳалқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли аниқлаш шаклланидиган ва тарихга муҳрланган давр бўлади, — деди Президент сўзининг якунида.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида кейинги уч кун мобайнида сенатор ва депутатлар, кенг жамоатчилик билан мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

ХАЛҚ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ВА УЗЛУКСИЗ ҲАРАКАТ ТАЛАБ ЭТАДИ

“2024 йилда — “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да бажарган ишларимизга яқун ясадик. Парламентимизда — “Халқ уйи” да депутатлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режаларни, уларда илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларни, моҳият эътиборига кўра, Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Сиз, ҳурматли депутатлар ва Ҳукуматимиз аъзолари, каттаю кичик барча раҳбарлар, мана шу Мурожаатномада белгиланган берилган улкан вазифаларни амалга оширишда фидойилик ва намуна кўрсатиб меҳнат қиласизлар, деб ишонаман”, деди давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги маърузасида.

Бугун халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўйилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу даврда янги Ўзбекистонимизни янада жадал ривожлантириш, юксак тараққиёт чўққиларини забт этишдек эзгу марралар қўзланмоқда.

Хусусан, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустақам ижтимоий сугурта

тизимини жорий этиш сингари инсон қадрини улуглашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ва режаларни рўйбга чиқариш кўзда тутилмоқда.

Бу эса парламент ва ҳукумат фаолиятида, барча соҳа ва тармоқларда ишларни янгица тамойиллар асосида ташкил этиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилишни тақозо этади.

Тадбирда иштирок этган сенаторлар ва депутатлар давлатимиз раҳбарининг маърузасида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар юзасидан ўз фикр-муносабатини билдирди.

Аҳолининг турмуш шароити ва саломатлиги яхшиланади



Севара УБАЙДУЛЛОЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимиз ўз маърузасида аҳолининг саломатлигини сақлаш ва тиббий хизматларнинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада ўртача умр кўриш даражасини 78 ёшга етказиш мақсадида эришиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг қўлайлиги ва сифатини ошириш устувор вазифа сифатида қайд этилди.

Келгуси йилларда бирламчи бўғинда аёлларни скринингдан ўтказиш ва рақамлаштириш орқали саратон касалини эрта аниқлаш кўрсаткичларини ҳозирги даражадан сезиларли ошириш режалаштирилган. Аинқиса, эрта ташхис қўйиш

кўрсаткичларининг яхшилланиши орқали аҳоли саломатлигини тиклашга бўлган имкониятлар кенгайди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари маҳалларда тиббиёт бригадаларини ўқитиш ва уй шароитида беморларни реабилитация билан қамраб олиш бўйича янги тизимни жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Туғуруқхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 100 миллион доллар ажратилиши қайд этилди. Шубҳасиз, бу замонавий хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Шу билан бирга, давлат тиббий сугуртаси ва аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини барча шаҳар, туман ва қишлоқларга татбиқ этиш режаси ҳақида сўз борди. Бу тизим орқали аҳоли, жумладан, энг эҳтиёжманд қатламлар кафолатланган тиббий хизматдан баҳраманд бўлади. Бу давлатнинг аҳоли саломатлигига бўлган эътиборини яққол намоён этади. “Инсон қадри учун” тамойилнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Президентимиз соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни омалаштиришга қаратилган алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам таъкидлади. Бу каби дастурлар нафақат саломатликни сақлаш, балки жамиятдаги ижтимоий фаолликни оширишга хизмат қилади.

Самарали ташқи сиёсат барқарор ривожланиш асоси



Анвар ТҲҲИЕВ, Олий Мажлис Сенати қўмита раиси:

— Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун самарали ташқи сиёсат олиб бориш, ҳамкор давлатлар доирасини кенгайтириш, яқин қўшилларимиз билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш ўта муҳим вазифа. Сўнгги йилларда бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга

оширилмоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташқи сиёсатимизда устувор йўналишга айланди. Бунинг натижасида қўшилларимиз билан алоқалар тобора ривожланипти, борди-келидилар кўпайипти. Масалан, қўшни Қирғизистонга фуқароларимиз ID карта билан бемалол бориб келмоқда. Бундан халқимиз бениҳоя хурсанд эканини билдирмоқда.

Мажлисида энди Қозғоғистон ҳамда Тожикистон билан ҳам ID карта билан бемалол кириш тартиби жорий этиш ҳақида сўз юритилди. Бу хабар барчамизни руҳлантирди. Зеро, азал-азалдан дўст ва аҳил-иноқ бўлган қардошларимиз билан дўстликимиз мустаҳкам бўлса, бу барчамизга манфаатли бўлади. Қолаверса, мамлакатларимиз иқтисодий ривожини учун ҳам бу имконият муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, 2025 йилда юртимизда бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё бешлиги” учрашуви алоқаларимиз ривожига яна бир улкан амалий қадам бўлади.

Парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланиши лозим

Абдулло АСЛОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги кунда Қонунчилик палатаси вазири номзодларини маъқуллаш бўйича муҳим воқолатга эга. Бу нафақат демократиянинг янада чуқурлашиши, балки давлат бошқарувида депутатлар зиммасига улкан масъулият юклатганидан далолатдир.

Охириги беш йил давомида вазирлар парламентимиз тасдиқидан ўтиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундай демократик тартиб ҳукумат фаолиятини янада шаффоф қилишга хизмат қилади. Бунда ҳар бир вазирнинг ўз фаолияти учун масъулият бўлиши ва унинг самардорлиги юзасидан парламент олдида ҳисобдорлик беришини таъминлайди. Бу жараён депутатлар учун ҳам катта масъулият демакдир. Чунки биз маъқуллаётган ҳар бир номзод халқ олдидаги буччини қанчалик самарали адо этаётганига тўғридан тўғри жавобгар бўлаемиз.

Таъкидлаганидек, парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланиши лозим. Бу, аввало, ҳукумат қарорлари ва амалга оширилган сиёсатнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Биз, депутатлар фақатгина танқид ёки назорат билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Балки ҳукуматга ёрдам бериш, унинг фаолиятини янада самарали қилиш учун таклиф ва ташаббусларимизни билдиришимиз зарур.

“ Парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланиши лозим. Бу, аввало, ҳукумат қарорлари ва амалга оширилган сиёсатнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Биз, депутатлар фақатгина танқид ёки назорат билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Балки ҳукуматга ёрдам бериш, унинг фаолиятини янада самарали қилиш учун таклиф ва ташаббусларимизни билдиришимиз зарур.

Ёшлар камолотини таъминлашда барчамиз масъулмиз

Муножат ЙЎЛЧИЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган йилги йилда қўллаб-қувватлаш бўйича қаторида ёшлар сиёсатида доир долзарб вазифалар ҳам таҳлил этилди. Бу чоратадбирларни ҳал этишда парламентнинг ўрни муҳимлиги айтиб ўтилди. Хусусан, ёшларимиз онгу тафаккурда миллий ғурур, умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш бугунги кунда долзарб вазифа эканлигига эътибор қаратилди.

Бу йўналишда юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш мақсадида юксак технологиялар асосида таълим бериляпти, янгица касб-хунарлар ўргатиляпти. Ўғил-қизларимиз соғлом бўлиши, болаликдан чиниқлиги учун спортга ошно этиш мақсадида ҳеч нарсага аямасдан, бор куч ва имкониятлар сафарбар этиляпти.

Мажлисида таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилиши таъкидланди. Хусусан, боғчаларда қамровни ошириш, мактабларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, олий таълим муассасаларида қамровни кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди.



Бугунги мажлисида муҳокама қилинган масалаларни мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳим деб биламиз. Янги Ўзбекистонда вазирликларга раҳбар бўладиган шахсларни маъқуллаш фақат сиёсий жараён эмас, балки давлат бошқарувининг сифатини белгилайдиган ўта муҳим қадамдир. Ҳар бир вазир раҳбари ўз соҳасидаги муаммоларга ечим топишда профессионалик ва халқпарварлик тамойилларига асосланиши керак.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз белгилаб берган бу ёндашув асосида биз, депутатлар ҳукумат фаолиятини самарали ташкил этишда фаол иштирок этишимиз, парламент назорати ва ҳукумат билан мулоқотни янада юқори босқичга олиб чиқишимиз зарур. Бундай ёндашув билан халқимиз ишончини оқлаймиз ва мамлакатимизнинг янада ривожланишига ҳисса қўшамиз.



Устоз сифатида бу йўналишдаги ислохотларнинг аҳамиятини мен ҳам яхши англайман. Зеро, таълимга бериладиган эътибор келажакка йўналтирилган улкан сармоядир. Шу боис, бундай хайрли ишларга ҳисса қўшиш барчамизга улкан масъулият юклайди, ўзгача фахр-ифтихор бахш этади. Шу мақсадда келажак авлодимизнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш баробарликда соҳадаги ислохотларни тақомиллаштиришга хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқишида ташаббус кўрсатиш, айна пайтда жойларда уларнинг ижроси таъминланишида маҳаллий депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришни мақсад қилиямиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади.

САМАРҚАНДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, келгуси йилда Самарқанд вилоятида ҳудудий дастурлар доирасида камиди 1 миллиард 850 миллион доллар инвестицияларни ўзлаштириш, 20 минг иш ўрни яратиш ва қўшимча 1.2 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш ҳисоб-китоб қилинган.

Масалан, Пастдаргом тумани “Чимбойбод” ҳудудида ҳокимлик захирасида турган 234 гектар ерда махсус sanoat зонасини ташкил қилиш мумкин. Тадбиркорлар у ерга 500 миллион доллар инвестиция киритиб, фармацевтика, кимё, электротехника, қурилиш материаллари ва озик-овқат лойиҳаларини бошлашга тайёрлигини билдирган.

Ёки Зарафшон дарёси атрофидаги 25 гектар тошлоқ ер “Ургут” эркин иқтисодий зонасига қўшилса, 30 миллион долларлик лойиҳаларга жў бўлади. Даргом канали бўйида 35 километрли туристик йўлак, Нарпай каналида гастрономик кўприк ташкил этиш орқали биринчи босқичда 500 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилади.

Вилоятдаги янги ва лалим ерларни иқтисодий активга айлантириш керак. Масалан, Самарқанд туманида 350 гектар лалим ерда туристик-рекреацион ҳудуд ташкил қилиб, минг нафар тадбиркорни жойлаштириш ва 3,5 мингта иш ўрни яратиш мумкин.

Булунгурнинг тупроғи, иқлими мева-сабзавотчиликка қўлай. Тумандаги 6 минг гектар самараси кам галла майдонлари мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилса, тектаридан даромад 10 минг доллардан ошадди, 45 минг

одам ишли бўлади. Махсулотларнинг ярми экспортга чиқарилиб, қўшимча 52 миллион доллар экспорт тушуми таъминланади.

Иштихон, Ургут, Пайарик ва Қўшрабоддаги одамлар 35 минг гектарда узум етиштиради. Лекин сердаромад навларни экиш, касалликка қарши курашиш, янгица агротехник тадбирларга кўника етишмагани учун ҳосилдорлик паст. Шу боис, Иштихонда Академик М.Мирзаев номидида боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тажриба станциясини ташкил қилиш таклифи билдирилган. Унда “in-vitro” усулида кўчатчилик йўлга қўйилиб, узумнинг “Гигант”, “Сирлибой”, “Аватар” каби бозорбоп навлари экилади. Натижада ҳосилдорлик қўшимча 25-30 центнерга, экспорт 20 миллион долларга ошадди.

Шунингдек, Қўшрабод, Иштихон, Нурубод, Пастдаргом, Пахтачи ва Ургутдаги конлар негизда фойдали қазилмаларни қайта ишлаш корхоналарини очиш мумкин.

Йилгилишда Самарқанд вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича чоратадбирларни тақдимот қилди.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, Самарқанд вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича қарор киритиш вазифасини қўйди. Лойиҳаларни мастер-режа асосида жўлаштириш, кўприқ иш ўринлари ва замонавий уй-жойлар ташкил этиб, аҳоли фаровонлигини ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Тараққиёт одимлари

20-МЕЗОН ТАФСИЛОТЛАРИ

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ИШЧИ ТАДБИРКОРГА ҚЎШИМЧА БАЛЛ ВА ИМТИЁЗ ОЛИБ КЕЛАДИ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юртимизда тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини жорий этилиши ишбилармон доира вакиллари учун катта қулайлик бўлди. Ўз фаолиятини такомиллаштириб, қонунчиликда белгиланган мажбуриятларни тўғри бажариш асосида юқори тоифага кўтарилаётган тадбиркорлик субъектлари қўшимча рағбат ва имтиёзлар оляпти. Бу бошқа бизнес эгаларида ҳам қизиқиш уйғотиб, паст тоифадан чиқиб олишга ундаётди. Биргина мисол, платформа ишга туширилган жорий йил 1 февралда энг юқори “AAA” тоифадаги тадбиркорлик субъектлари сони 38 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 1720 тадан ошди.



Тадбиркорлик рейтингини — ишбилармонлар фаолиятини баҳоловчи мезон. Тизим юқори, ўрта, қониқарли ва қуйи тоифаларга бўлинади. Улар ҳам яна бир неча тоифага ажратилади. Юқори тоифа “AAA”, “AA”, “A” даражаларини ўз ичига олса, ўрта “B” ҳамда қониқарли “C” тоифалар ҳам шу тарзда сараланади. Қуйи “D” тоифа эса ягона даражадан иборат. Бу тоифалар бежиз сараланмайди. Баҳолаш асосида рағбат ва имтиёзлар тақдим

Баҳолашда нафақат солиқ тизими, балки бошқа кўплаб мезонлар назарда тутилган. Шулардан бири Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингидagi 20-мезон бўлиб, унда бизнес эгаларига ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами бандлигини таъминлаганлик учун қўшимча имтиёзлар бериш назарда тутилган. Ушбу вазифа жорий йил 20 февралда Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида белгилан-

ган эди. Шундан сўнг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари”, ижтимоий реестрдаги ва ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектларига қўшимча 5 балл ва 10 балл бериш кўрсаткичи киритилди.

Қисқа вақтда ушбу хайрли ҳаракат иштирокчисига айланиш истагидаги тадбиркорлар сони ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, юртимизда 64 мингдан зиёд корхона мазкур қўшимча балл берувчи мезондан

фойдаланиб, ижтимоий ҳимоя ягона реестрдаги фуқаролар бандлигини таъминлаш орқали рағбатлантирувчи балларга эга бўлган. Бу минглаб кам таъминланган оидалар аъзолари доимий иш ва даромад манбаига эга бўлмоқда, дегани. Тадбиркорлик субъектлари ҳам бундан манфаатдор, қўшимча имтиёзлар фаолиятининг янада кенгайтишига хизмат қилляпти.

— Корхонамизда ишлайдиган ходимлар орасида ижтимоий реестрдаги ва ногиронлиги бўлган шахслар кўпчилигини ташкил этади, — дейди Тошкент шаҳридаги “Shaqona baraka textile” МЧЖ раҳбари Қодиржон Умаров. — Айни пайтда меҳнат қилаётган 50 га яқин ишчининг 15 фоизи ногиронлиги бўлган кишилардир. Уларни ишга жалб қилиш орқали ҳам бандлигини таъминлаш, ҳам барқарорлик рейтингини мезонларида кўрсатилган қўшимча балларни қўлга киритиб, тегишли имтиёзларга эга бўлялмиш. Яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга иш берганимиз учун имтиёзлар ажратилиши бизни янада рағбатлантиряпти. Ҳозирги кунда корхонамизда 50 турга яқин кийим-кечак ишлаб чиқарилади. Сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. Маҳсулотларни Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қилляпти. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидамиз.

этиб борилади. Масалан, агар тадбиркор “AAA” тоифадаги рейтингга эга бўлса, солиқ текширувларидан тўлиқ озод бўлади, ҚҚСдан ҳосил бўлган солиқ суммаси амалдаги 7 кундан 30 кунгача бўлган муддатда эмас, балки бир кунда қайтарилади ва ҳоказо.

Умумий баҳо эса тўплаб бориладиган баллар орқали жамағатланади. Қўлга киритилган ҳар бир балл юқори тоифа томон ташланган қадамдир. Хусусан, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда тақдим этиш тадбиркорлик субъектига 10 балл, ҳисобланган солиқ суммасининг белгиланган муддатда тўланиши 10 балл, ҳисобланган солиқ суммасини тўлов топшириқнома орқали амалга ошириш 10 балл тўплаш имконини беради.



ДЎСТЛИК ТАЖРИБАСИ

СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Аграр тармок

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сувнинг 80 фоизидан ортиғи қўшни давлатлар ҳудудларидан оқиб келишини ҳисобга олсак, бизда обихаёт барқарорлигини таъминлаш масаласи ўта муҳим. Сув ресурслари тақчиллиги Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида кузатилаётган. Аммо Ўзбекистон Марказий Осиёнинг асосий сув манбаси бўлган Сирдарё ва Амударёнинг қуйи қисмида жойлашгани сабабли сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Хусусий шерик томонидан 21,6 миллион доллар миқдорда инвестиция киритилади. Шундан 6,6 миллион долларга каналларда сув боқариш дарвозалари, ўлчов ускуналари, видеокамералар ўрнатилди, 0,9 миллион долларга дастурий таъминот, мустақил алоқа тизими (Wi-Fi) ва видеокузатув ускуналари, 11,6 миллион долларга фермерлар сув олиш нуқталари автоматлаштирилиб, ҳисоблагичлар ўрнатилди. 2,5 миллион доллар сувни онлайн боқариш ва назорат қилиш маркази ҳамда солиқ тўловлари учун сарфланади. Йиллик сув етказиб бериш ҳажми 236 миллион куб метрга етказилади.

Лойиҳа доирасида сув етказиб бериш нархи 1 куб метр учун 200 сўм, сув солиғи 1 куб метр учун 100 сўм этиб белгиланган. Йиллик даромад 47,2 миллиард сўмни ташкил этади. Лойиҳа 12 йилда ўзини оқлайди. Эксплуатация даври 35 йил. Дўстлик тумани фермер хўжалиқлари лойиҳа тақдимот қилинганда, сўровномада иштирок этган 366 фермерга лойиҳа маъқул бўлган.

Лойиҳа амалга оширилган, бошқарув тизими автоматлаштирилиб, сув истеъмолининг аниқ ҳисоб-китоби йўлга қўйилди. Йилга 83 миллион куб метр сув боқарувни автоматлаштириш ҳамда суғориш тармоқлари таъмирланиши ҳисобига тежалади. Сув текин, деган тушунчадан воз кечилди, тўловлар ундирилиши даражаси ошди. Давлат бюджетини маблағлари тежалади (иш ҳақи ва эксплуатация харажатлари 30 йил давомида 85 миллиард сўм), 20 миллион доллардан ортиқ инвестиция киритилди. Туманда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун 297 миллиард сўм кредит ажратилади. Инсон омили қамаяди.

— Жиззах вилоятида жорий йилда жами 56 минг 408 гектар, жумладан, 7442 гектарда томчилатиб, 6340 гектарда



ёғирлатиб, 1175 гектарда дискрет суғориш, 24 минг 3 гектарда лазерли текислаш, 17 минг 448 гектарда эгилувчан қувур ва плёнка тўшаб суғориш бўйича сув тежовчи технологиялар жорий этилди, — дейди Сирдарё — Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Арслон Мустақов. — Натijaда 148 миллион куб метр сув, 10 минг 197 киловатт электр энергияси иқтисод қилиниб, ҳосилдорлик 12 фоиз ошди. Айни пайтда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бир канал бир тизим” йўналиши бўйича, яъни бир каналдан сув олишга боғланган барча фермерларга сув тежовчи қурилма ўрнатиш борасида ишлялмиш. Бунда, аввало, канал бошида жойлашган фермерларга сув тежовчи қурилма ўрнатиляпти.



— Йилгилида республикамаида 2,5 миллион гектар ерни суғоришга 1600 дан зиёд насос станцияси йилга 6,8 миллиард киловатт электр энергияси сарфлаётгани, хусусий шериклик асосида тежамкор насос ва қуёш панелларини ўрнатиб, 20 фоиз электрнинг тежаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди, — дейди сув хўжалиғи вазири Шавкат Ҳамроев. — Бунинг тўғрлигини Жиззах вилояти тажрибасида кўришимиз мумкин. Вилоятда сув хўжалиғи соҳасида 2021–2023 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида умумий қиймати 391,3 миллиард сўмлик 10 та лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа доирасида хусусий шериклар томонидан 22,7 миллиард сўм инвестиция киритилди. Натijaда ҳозиргача 39,2 миллион киловатт/соат электр энергияси ва 23,4 миллиард сўм бюджет маблағи иқтисод қилинишига эришилди.

Мисол учун, хусусий шерик “Галлаорол хусусий қурилиш таъмирлаш” корхонаси томонидан Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Шароф Рашидов туманларини сув билан таъминлайдиган Арнасой 1, Арнасой 2, Арнасой 3, Машина канали ва Оқтош насос станцияларини қуриш ва реконструкция учун 15,9 миллиард сўм йўналтирилиб, 23 агрегат ҳамда двигател тўлиқ таъмирланган. 23 та бошқарув қурилмаси, насос станцияларига 200 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилган. Натijaда ушбу объектларда 2021–2024 йилларда ўртача 7,1 миллион киловатт электр энергияси тежаланган. Энг муҳими, истеъмолчилар ўз вақтида сифатли ва етарли сув билан таъминланмоқда.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, ундан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали аҳоли онда шакланган “сув текин” тушунчасидан воз кечиш ҳамда тежамкор технологияларини қўллашда Президентимизнинг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим роль ўйнамоқда. Негаки, мазкур қарор билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан давлат бюджетига тушган тушунинг 40 фоизи сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидagi объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилашга йўналтирилляпти. Биргина Зарбдор тумани сув етказиб бериш хизматига жорий йилда шу тартибда 7,9 миллиард сўм туширилиши кўзда тутилган. Бунинг эвазига туманга 1 та экскаватор сотиб олинди, 128 километр узунликдаги хўжалик ички суғориш тармоғи тозаланиши, 116 километр ички ариқ бетонлаштирилиши ва хўжалик ички каналлар таъмирланиши, худудларга бириктирилган сувчиларга 17 та скутер, 20 та планшет сотиб олинishi режалаштирилган.

Энг муҳими, тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли фермер ва деҳқон хўжалиғи раҳбарлари тасавурида сувга неъмат эмас, товар сифатида қараш кўникмаси шакланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2025 йил сув хўжалиғида “Насослар самардорлигини ошириш йили” бўлиши ҳамда олдимизда хусусий шериклик асосида тежамкор насос ва қуёш панелларини ўрнатиб, электр энергиясини тежаш вазифаси туриди.

ДУНЁ ЭЗГУЛИК БОҒИГА АЙЛАНСИН!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҲАЁТБАҲШ ТАШАББУСЛАР

**Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Халқимиз сўз ва амал бирлигига жиддий эътибор беради. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши халқаро майдондаги ташаббусларимиз орта қайтмас тус олган сиёсий иродамиз ифодаси эканига яна бир далил бўлди. Қолаверса, Боку шаҳрида ўтказилган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги халқаро конференцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари сўзлаган нутқи ва илгари сурган ташаббуслари ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди.



бормоқда. Бугун янги Ўзбекистондаги иш-хотлар туфайли Оролиннинг қургани туби яшил қиёфага кира бошлади. Бундай масалаларга ечим топиш учун БМТ шафелигиде Дарё экотизимларининг бутулиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш тарафдори эканимиз айтилди.

Истиқболда “яшил” энергетика улушини муттасил ошириб боришни мақсад қилган. Бунинг учун электромобиль ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хабарини яратилмиш. Бошланган ишларимиз илк натижаларини кўрсата бошлагани қувонарли. Хусусан, 2024 йил бошидан бери юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари томонидан 3 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бундай натижага эришиш учун қуёш ва шамол станциялари қуввати оширилди. Ҳозир 7 та вилоятда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та қуёш фотоелектр станцияси ҳамда битта шамол электр станцияси “яшил” энергия ишлаб чиқаряпти.

Янги Ўзбекистон дунё ҳамжамиятини зиддиятларни дипломатик йўл билан ҳал этишга чакирмоқда. Айни дамда экологик муаммоларга биргаликда ечим топишни тақлиф этмоқда. Шунинг ўзиёқ мамлакатимизда ички ва ташқи сиёсат инсонпарварлик тамойили асосида юритилаётганини кўрсатади.

Ҳўш, биз нега халқаро майдондаги геосиёсий жараёнлар ва экологик масалаларни бир вақтда ёдга оляптимиз? Чунки бунинг туб моҳияти битта. Бугун шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда, ички сиёсатда ҳам, халқаро миқёсда ҳам ушбу масалаларга жиддий эътибор бераёптимиз. Келинг, бу ҳақида батафсил тўхталасак.

Дунё том маънода чўлланиб бораёпти. Абдий музликларнинг эриши тезлашди, сув тақчиллиги охири бормоқда. Бунга илмий фактлар етарлича топилади. Уларни таққорлар шарт эмас, назаримда. Афсуски, жаҳон саҳнида сув билан бирга яшиллик, эзу амаллар тақчиллиги ҳам кузатилаётган. Айрим мамлакатлар қисқа вақтда уруш майдонига айланган. Нисозин тинч йўл билан ҳал қилишга қодир бўлганлар ҳолатини жимгина кузатиб турибди. Шу орқали ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тап тормаслигини яширмайди ҳам. Ҳа, бир вақтлар ер талашган инсоният энди осмонни бўлиб олиш ташвишида. Бугун ҳатто киноватта ҳам қурол ўрнатиб, бошқаларни кўрқузда ушлаб туриш, дунёни эгаллаш истаги кучайиб бораётган. Шундай таҳликали, серташвиш даврда қандай йўл тутиш зарур?

Ҳазрат Алишер Навоий олти аср аввал “Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлик, Ер ўлиниг бир-бирингизким, эрур ерлиг иш”, деган эди. Бугун Ўзбекистон дунёга мана шу қаҳирчи билан бот-бот мурожаат қилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари шу йил 6 ноябрь кунни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида сўзлаган нутқида ва 11 ноябрь кун навбатдан ташқари ўтказилган Араб-ислом қўшма саммитида ҳам яна бир бор нисозларини тинч, дипломатик йўл билан ҳал этишга чакирди. Албатта, бу шунчаки қаҳирчи эмас. Унинг амалий ифодасини бугун мамлакатимиздаги ички ва ташқи сиёсатда яққол кўришимиз мумкин.

Кейинги йилларда янги Ўзбекистоннинг тинчлик сиёсати минтақа ва халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аввало, қўшни мамлакатлар билан муносабатларни яхшилаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро ҳурмат ва тинчликка асосланган йўлни танладик. Қўшни давлатлар билан борди-келдими эриш босқичга чиқди. Улар билан савдо ва транспорт йўналишлари, минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик кучайди. Бугун Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ижобий муносабат халқаро майдонда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Таққор бўлса-да, айтимиш: Париж — 2024 ёғи олимпиада ўйинларида бир-биримизни қўллаб-қувватладик.

Энди экологик муаммоларини ҳал этиш, хусусан, COP29 доирасида кўриб чиқилган масалалар, давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар ҳақида тўхталасак. Тан олиш керак, иқлим ўзгариши жиддий глобал таҳдидга айланиб бормоқда. Тарихдан яхши маълум, табиий мувозанат бузилса, жамиятлар ўртасида зиддият ҳам кучайиб боради. Сабаби оддий, табиат ресурсларидан кўпроқ фойдалана олиш истаги. Бошқарувда зўравонлик устувор бўлган жамиятлар бундай бирдек тегишли эканига ургу беришди, назаримда.



Сир эмас, ривожланган мамлакатлар барча жаҳонда, хусусан, замонавий технологиялар борасида ҳам илгор. Ҳозирги экологик масалаларни аниқ, ишончли прогноз қилиш, шунга мос ечимлар керак. Бунинг асосини табиий ресурсларимиз, зарарларини баҳолаш оладиган илмий марказ кўмағисиз бажариб бўлмайди. Мазкур ташаббусни амалга ошириш эса бевосита ҳамкорликни, дўстона муносабатни талаб қилади. Муаммомиз битта, яшаш маконимиз ягона экан, энг одилона ечим ҳамжиҳатлик. Ривожланаётган мамлакатларга иқлим хатарларини аниқлаш учун техник кўмак беришда, қим учундир ҳиммат қилдимиз эмас, ўзимизнинг муаммони ҳал қилганимиз

Онам отамни мурасага қақирса. “Бу сувдан биз фойдаланмасак, бошқалар-чи, улар ҳам ўзимиздай инсон-ку!”, деган эди отам. Бугун худди ўша ҳолат мамлакатлараро содир бўляпти. Бир мамлакат чегарасидан ўтган сув бошқаларга яроқсиз ҳолда етиб бормоқда. Бунинг сабаби турлича, аммо асосийси масъулиятни ҳис қилмаслик, деб ўйлайман. Масалан, ҳозир ҳам трансчегаравий сув ресурсларини боқариш ҳамда ифлосланишнинг олдини олишга қаратилган қатор халқаро стандарт ва келишувлар мавжуд. Улар сув ресурсларини барқарор боқаришда ягона ёндашуви таъминлашга қаратилган. Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича конвенция шунга жумласидан.



вазиратда оқилона ечим геосиёсий рақобатини четта суриб, мафқуравий қопиллардан холи, глобал мурасага эришишди. Бунинг учун жаҳон ҳамжамияти Ҳазрат Навоий айтганидек, дўстликни иш, инсоний бури деб қабул қилиши керак.

Энди экологик муаммоларини ҳал этиш, хусусан, COP29 доирасида кўриб чиқилган масалалар, давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар ҳақида тўхталасак. Тан олиш керак, иқлим ўзгариши жиддий глобал таҳдидга айланиб бормоқда. Тарихдан яхши маълум, табиий мувозанат бузилса, жамиятлар ўртасида зиддият ҳам кучайиб боради. Сабаби оддий, табиат ресурсларидан кўпроқ фойдалана олиш истаги. Бошқарувда зўравонлик устувор бўлган жамиятлар бундай бирдек тегишли эканига ургу беришди, назаримда.

Конвенция трансчегаравий сув ҳавзалари бўйича ҳамкорлик ва улар ифлосланишининг олдини олиш учун ҳуқуқий асос яратган. Давлатларнинг трансчегаравий сувлар билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради. Биохимия-хилликни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни талаб этади.

Худди шундай мақсадда қабул қилинган яна бир қанча халқаро даражадаги ҳужжатлар бор. Лекин ҳар бир минтақа ва давлат учун уларнинг самарадорлиги турлича. Бу бир жиҳатдан халқаро ҳамкорлик даражасига боғлиқ. Ҳа, бундай стандарт ва келишувлар турли даражада амалга таъбиқ этилмоқда. Аммо муаммони барча бирдек ҳис қилиши керак. Шу боис, COP29 конференциясида Ўзбекистон томони трансчегаравий сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва барқарор биохимия-хилликни сақлашда ягона ёндашуви зарурлигини таъкидлади. Унинг минтақамизга самарадор бўлиши учун ҳаётбахш ташаббуслар билдирилди. Масалан, бир авлод кўз ўнгига Орол денгизи йўқолиб

Ибратли умр сабоқлари

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда. "Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди", дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗЛИГИНГИЗДАН КЕЧМАНГ, ЭЛДАН ЧИҚМАНГ!



Гуличехра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бугунги кун ёшларига ҳавас қилса арзийди. Улар тил ўрганипти, ихтиролар қилипти, фан чўққиларини эгаллапти, халқаро танлов ва спорт мусобақаларида голиблик шохсупасига чиқипти, янги асарлар ёзипти... Хуллас, ёшлар ҳар соҳада фаол, ҳаракатчан.

Президентимиз куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бош вазир номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги нутқида ёшларимиз онгу тафаккурида миллий гуруҳ билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарурлигини қайд этди.

Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани аямай, бор куч ва имкониятлар сафарбар этилишини таъкидлади.

"Бугун фақат мана шундай илгор ёшларга, мана шундай жонқуяр зиёлиларга, ватан равақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади. Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири иқтисодий, бири маънавийдир. Маънавий буюк халқ иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади", деди давлатимиз раҳбари.

Халқимиз азалдан ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратган. Бир болага етти маҳалла масъул эканини ёдда сақлаган. Ҳушхаёл, гурурли, Ватан ва миллат хизматига шай авлод тарбиялангани ўз бурчи деб билган.

Бугунги эътибор, имкониятлардан тўғри фойдалана олмаётган ёшларнинг борлиги эса

кишини ўйга толдиради. Айрим ёшларнинг маънавий олами қашшоқлашиб бораётгани, муомала маданияти йўқлиги, одоб-ахлоқ ҳақиқатлари, Фарб маданиятига кўр-кўрона тақлид қилиб, уни ўз трендига айлантираётгани ҳам айни ҳақиқат. Ёхуд баъзи вайерларнинг номақбул видеороликларига ошурталлиги, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган сўкгонч "тик-ток"чиларга эргашаётгани ҳам бор гап.

Ёши улуглар бировлар олдида оғизга олишни уят санаган сўкинишлар нафақат ёш йигитлар, балки қизлар томонидан кундалик одатга айланиб бораётгандек. Ярим-яланғоч кийимлари, бачкана қилиқларидан ҳеч хижолат чекмай, омма олдида ўзини намойиш қилаётган ўзбек қизларининг бу аҳволига ҳам одатий ҳолдек қаралапти.

Ҳўш, бугун ижтимоий тармоқнинг зарарли ва салбий жиҳатларидан ёшларни узоқлаштириш учун нима қилиш керак? Уларнинг қалбиде, онгу тафаккурида ижобий қисларни, фазилатларни шакллантириш, кучайтириш учун биз, катталар қандай йўл тутишимиз лозим? Миллатимизда, ўзбекна қадриятларимизга мос ва хос бўлмаган иллатлари ёшларнинг фикру ўйидан юлқиб ташлаш, тозалаш учун-чи?

Ушбу саволларимизга қисман бўлса-да жавоб топиш мақсадида ёши улуг, кўпни кўрган фахрийларимиз, Ўзбекистон Қаҳрамонлари билан суҳбатлашдик, уларнинг фикр, маслаҳат ва тавсияларини ёзиб олдик.

Ҳар бир ёш МЕНИНГ ФАРЗАНДИМ — Ёғлим ва қизим

Муҳаббат ШАРОПОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони:



Ёшлар — Ўзбекистон бунёдкорлари, битмас-туганмас бойликлари. Шонли тарихга эга аждодларимиз билан қанчалик фахрлансак, ҳозирги ёшлар салоҳияти, ватанпарварлиги билан янги Ўзбекистонимизнинг шон-шавкатини давом эттираемиз. Мен оддийгина бир устоз сифатида ёш авлодга ҳавас кўзи билан қарайман, уларнинг истедодига тан бераман.

Ҳар бир ёшнинг ўзида ёшнинг ёшоналиги, каллимизга фахр туйғусини бериб, бизни қувонтирадиган, жонимизга озор бериб уялтирадиган ҳам ёшлардир. Баъзи ёшлар олтинга тенг вақтинги беҳуда сарфлаб, соатлаб телефон титқилаб, кераксиз сайтларга кириб, фақатгина маънавий дунёсини саёзлаштироқда.

Китоб ўқиш орқали инсон ўз маънавиятини юксалтиради, миясини чарқайди. Интернет ҳеч қачон китобнинг, газета ва журналларнинг ўрнини боса олмайди. Ҳамма кўргулик китоб ўқимасликдан келиб чиқади. Китоб ўқиш, аввало, тарбияни мустаҳкамлайди, одамни яхшиликка чорлайди, қалб оламини бойити.

Ҳам биз, кекса авлод сизни авайлаб, тўғри йўл кўрсатишни инсонийлик бурчимиз деб биламиз. Сизни ғанимдан асрамасак, уларнинг домига илиншингиз тайин ва қанчангиз ўша ғанимлар ташлаган тўрда ҳалиям ўралашиб, ундан чиқа олмай юрбисиз.

Аслида, сиз ўз урф-одатларини эъзозлаган, орият ва номусни бошида тутган халқнинг зурриятисиз, томирингизда улуг аждодлар қони оқаётир. Ғанимларнинг ёт гоғларини шуурингизга синдиришга, ўзбекна аъналаримизни оёқсоти қилишга, тилимиз соғлигини йўқотишга, фикрлаш доиранингизни хаста қилиб, маънавийингизни яралашига йўл қўйманг ва уларнинг домига илиниб қолманг.

Ижтимоий тармоқда гуллаб-яшнашингиз яхшидир, аммо "Оила қилмай, 5-6 йил бир-бирини синиб, бирга яшаш ҳам мумкин", деган аҳмоқона фикрларни илгарти сураётган орамиздаги орсизлардан узоқроқ бўлинг. Энгини ўзбек асради қилиб олиб, бу ниқоб остида, аслида, Фарб маданиятини илгарти сураётган ичимиздаги душманларимиздан огоҳ бўлинг, уларни ўзингиздан йироқ тутинг! Кўпни кўрган аёл, ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган педагог сифатида ҳаддим сиғиб, сизларга кўнглимни тўкиб солдим. Ўзларимдан ранжиманг. Ахир ўзбекман деган, шу мамлакатда яшаётган ҳар бир ёш менинг фарзандим — ёғлим ва қизим.

ТЎКИС ШАРОИТЛАР БИР ПАЙТЛАР ОРЗУ БЎЛГАН

Содиқжон ТУРДИЕВ, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:



Бугунги кунда ёшлар тарбиясига, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги 8 йил ичида ёшларга доир кўп қўллаб-қувватлаш имзоланди.

Узоққа бормайлик, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисидаги нутқида депутатларнинг 11 нафари 35 ёшгача, илк бор ёшлар парламентининг 2 вакили Қонунчилик палатаси депутаты этиб сайланганини таъкидлади. Бу маълумотнинг ўзиёқ мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор аҳамияти касб этаётганидан даракдир. Ўз устида ишлаётган, нитлаётган йигит-қизлар давлатимиз сиёсатида ҳам муҳим ўринга эга бўлаётир.

Имтиёз тури ва сони йилдан йилга ортиб бораётгани келажак авлоднинг бахтли ва соадати ҳаётига қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Очигини айтганда, билдирилётган ишонч ва яратилаётган имкониятлар туйғайли ёшлар Ўзбекистон равақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Замонавий билимларни, ахборот технологияларини ўрганипти. Уларнинг халқаро майдонларда ўз иқтидорини намойиш этиб, улкан натижаларни қўлга киритаётгани эса барчамизни бирдек қувонтироқда. Фан олимпиадаларида жаҳондаги энг салоҳиятли ёшлар билан муносиб беллашиб, уларни доғда қолдираётган ҳам бизнинг фарзандларимиз. Юртимиз шарафини улуглаётган ёшларимиз билан ҳар қанча гурурлансак арзийди.

Аммо ёшлар тарбия-тарбиясида қиладиган ишларимиз жуда кўп. Олий таълим муассасаларида, мактабларда айрим талаба ва ўқувчилар ўқитувчиларига беписанд муомала қилиши, билим олишга эътиборсизлиги, ўйинқароқлиги, тўқликка шўхлик қилаётгани ачинари. Вақтида билим олмай, касб-хунар ўрганимай вояга етган, оила куриб, фарзандли бўлган, бироқ ота-оналик масъулиятини тўла англамаётган ёшларимиз ҳам анчагина.

Шу сабабли ёшлар тарбияси бутуннинг энг долзарб вазифаси этиб белгиланди. Юрти-

маданиятига кўр-кўрона тақлид қилаётганлар ҳам, минг афсуски, ўзимизнинг ёш авлод. Ёшлигимизда бугунги шароитларнинг ўндан бири ҳам йўқ эди. Аммо кўлимиздан китоб тушмасди. Тинмай ўқирдик, мушдайлгимиздан далаларда ишлардик, ўзимиздан катталарга тик қарашга истиҳоло қилардик, улардик. Ҳозир ёшлар учун шунчалар шароит яратилганига қарамай, улар бунинг қадрига етмайпти. Ҳагто нолиётган, ношуқурлик қилаётганлари ҳам етарлича. Ота-онасига, яқинларига тап тортмай қўл кўтаряпти. Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган айрим воқеаларни кўриб, ёқа ушлайсан киши. "Тап эгасини топади" деганларидек, бу эътирозларим айрим ёшларгагина тегишли.

Обод ва озоғ ўлкамининг азиз дилбандлари! Сизлар буюк аллоамаларни улғайтирган тупроқда камолга етасиз. Юртининг ишончли эртаси, ор-номуси бўласиз. Ёши улуг бир ота сифатида насихат қилмоқчиман: ўқинг, ўрганинг, лекин ўзлигингиздан кечманг, элдан чикманг. Бугунги ғайрат-шжооитингиз, интилишингиз кун келиб жамиятда ўз аксини топсин. Учунчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу ташаббуснинг тўб замирида ҳам сиз, ёшларга катта ишонч мужассам. Бугун шу ғамхўрлик ва эътиборингиз, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, вақтдан унумли фойдалансангиз, келажакда буюк аллоамаларимизга муносиб издош бўлишингиз тайин!



Ҳеч ким ташқаридан келиб, таълим-тарбия ишларини тартибга солиб бермайди



Шавкат АЮПОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони:

Президентимиз жорий йилнинг октябрь ойида Навоий вилоятига ташрифи чоғида: "Менинг энг катта ташвишим, мақсадим — ёшлар тарбияси. Биз олган марралар учун билимли авлод керак. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қилишимиз. Сизлар эса вақтнинг қадрига етиб, бор имкониятни ишга солиб, ўқинишгиз керак. Олган билимингиз, ўрганган касб-хунарингиз келажакда сизларга қанот бўлади", деган фикрини қуйинчаклик билан таъкидлади. Бу бежиз эмас.

Юксак маънавиятли, соғлом, билимли, маданиятли ёшлар мамлакат тараққийети ва келажакини белгилаб берувчи ҳамда жамиятда ижобий ўзгаришларни амалга оширишда ҳаракатлангиривми асосий кўчлардан саналади. Мамлакатимиздаги кўплаб мактабларга учрашуларга борамиз, ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашамиз. Суҳбатларда ҳар сафар уларга: "Барча фанларни яхши ўзлаштиринг, айниқса, математика, информатика ва чет тилларни ўқинг, ўрганинг. Юқори синфларга ўтганингизда эса ўз қобилиятингизга қараб, келажакда ким бўлишингизни қатъий мақсад қилиб олинг", дея ўқтираман. Юртимизда

таълим, фан соҳаларига эътибор сўнгги йилларда жонланди.

Бугунги ёшлар қўлга киритаётган ютуқлар таълимга эътиборнинг меvasи. Бу — Учунчи Ренессанс пойдевори. Бугун замон ўзгариб, ота-оналар фарзандларига билим бериш кераклигини яхши тушуниди. Нафақат ўқитувчи, устозлар, балки ҳар бир ота-она ўз фарзандини кичиклигиданоқ илм оламага олиб кирса, қўчада вақтинги беҳуда сарфламасликка ўргатса, ўйлайманки, ёш авлод бунинг тез англаб етаци.

Ҳеч ким ташқаридан келиб, таълим-тарбия ишларини тартибга солиб бермайди. Бугунги тезкор асрда ҳаёт синновлари нафақат ёшларни, балки ҳар бир фуқаронни ҳўшёр, зийрак ва доно бўлишга ундайди. Дунёда кечаётган беқарор снсий, ижтимоий, иқтисодий ҳолатлар ҳар биримиздан ёшлар келажакига бефарқ бўлмасликни қатъий талаб этмоқда. Ёшлар орасида бошбошдоқликларнинг тобора авж олиши эса бор нарсаси. Бунинг олдини олиш учун ёшларни китоб ўқиш, ўзи қизиққан соҳага йўналтириш лозим. Илм-фанга эътибор кучайиб бороверса, ёшлар маънавияти олдиқочди ёлгонлар билан тўлдирилмас, келажак авлоднинг истиқболи ёрқин бўлади, албатта.

ТАРБИЯ, ТАРБИЯ ва ФАҚАТ ТАРБИЯ

Ўз илми, иқтидори, ихтироси, куч ва шижоати билан дунёга танилган ёшларимиз борлиги ютуғимиз, келажакимиз таъминоти. Агар ёш йигит-қизлар ўз олдига мақсад қўйиб, турли нағмаларга учмай, обдан фикр юритиб, бугунги имкониятлар қадрига етиб, яхши ўқиса, меҳнатдан қочмаса, ўз келажакини ўзи кура олади, маҳалла-қўйга, юртга нафи тегади. Келажакда кўпнинг дуосини олиб, хотиржам ва фаровон яшайди.

Агар ўз онгини олди-қочди ёлгонлар билан тўлдириб, кунини ўтса бўлди деб яшамоқчи бўлса, ўз оёғига болта урган бўлади. Шундай экан, ҳар бир ёш ота-онаси, устозлари, ёши улуг кишилар панд-насихатларига амал қилиши лозим. Аслида, нуронийларимиз телевизорни ёқиб, оёқларини чўзиб, диванга ёнбошлаб, ҳеч бир ёшга ҳеч нима демай, ўз хотиржамлигини ўйлаб яшаш ҳам мумкин. Бироқ азалдан виждони уйғоқ, орияти кучли, бировнинг

ташвиши ва гамини ўзиники ҳисоблаган кекса авлод вакиллари ёшларга тўғри йўл кўрсатишни ўз бурчи деб билган ва шунга амал қилган. Маслаҳат ва ўғитларга қулоқ тутиш эса ҳар кимнинг виждонига боғлиқ.

Мақолаимиз давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикри билан якунлашни лозим

топдик: "Бизни ҳаммаша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала бу — ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқарашини билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаришти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзларини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодими, деган даъват уларнинг қалбиде доимо акс садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга унда турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан".

GAZETADEGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASOSLANGAN UZBEK ALIFBOSIDA UQISH UCHUN MAZKUP QR-KODNI SKANER QILING.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти) ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 4088. 41157 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов Мусахҳиж: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-ўй